

Иссиқ шароитда рўза тутиш

09:05 / 09.06.2018 3503

Савол:

Кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга устоз сифатида иссиқ пайтларда рўза тутишни бизга таълим берсангиз. Қандай ташқи ва ички омиллар рўзани иссиқ ва узоқ вақт давом этадган мавсумда тутишни енгиллаштиради? Кўпчилик иссиқ далада ёки заводда оғир меҳнат шароитларида ишлайди. Саҳарликда қандай таом ва ичимликларни истеъмол қилган маъкул? Ифторликдачи? Сизнинг тавсия ва маслаҳатларингизни кутиб қоламиз.

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- Ҳар ким ўз шароитига қарайди. Энг муҳими эътиқодни мустаҳкам қилиш керак. Иложи борича оддий ҳолатдаги нонуштани саҳарлик, кечки таомни ифторлик қилишга ҳаракат қилиш керак, ўзини беҳуда уринтирмаслик керак. Аллоҳ таолодан ёрдам тилаб туриш керак.